

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ \_\_\_\_\_  
201\_\_ йил



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирининг  
2017 йил 24 август даги  
сонли буйруғи билан тасдиқланган

“Сув ҳужалиги ва мелиорация”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ**  
**МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 201\_\_йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:** “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”  
модули: с.ф.д., проф., И.Эргашев, ю.ф.н., доц.,  
В.Топилдиев.

“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”  
модули: п.ф.д., проф., Н.А.Муслимов, п.ф.н.,  
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц., М.Усманбаева, И.Эшмаматов.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация  
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н, доц.,  
Х.Холмедов, ф-м.ф.н, доц., Д.Иргашева, кат. ўқит.,  
В.Ҳамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги  
Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит.,  
У.Гиясова.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”  
модули: с.ф.д., проф., С.Жўраев, ф.ф.д., проф. Р.Самаров,  
пс.ф.н., Х.М.Алимов.

**Махсус фанлар бўйича:** к/х.ф.д., проф. М.Х.Ҳамидов,  
т.ф.н., доц. И. А.Бегматов, к/х.ф.н., доц. Б. Ш.Матякубов,  
п.ф.д., проф. З.К.Исмаилова, т.ф.н, доц. С.Мирзаев, т.ф.д.  
доц. А.Э.Юлдашев, т.ф.н., доц. А.Муратов,  
Хорижий эксперт: Синтия Бертаччи Уво, (Cintia Bertacchi  
Uvo)

**Такризчилар:** Madhawa Delpachitva, т.ф.д. проф. Ф. Бараев.

Ўқув дастурлари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти Кенгашининг қарори билан тасдиққа  
тавсия қилинган (201 йил \_\_\_\_\_ даги ... - сонли баённома)

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 Фармониға мувофиқ тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутлади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

### **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар.

### **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари.

### **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Сув хўжалигида тизимли таҳлил.

### **VI. Махсус фанлар**

6.1. Ирригация ва мелиорация.

6.2. Сув ресурсларини бошқариш.

6.3. Мелиоратив техника.

### **VII. Педагогик амалиёт**

### **VIII. Малакавий аттестация**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

-“Сув хўжалиги ва мелиорация” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

-замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

-педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

-махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

-“Сув хўжалиги ва мелиорация” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

#### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-

коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар, тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

**Тингловчи:**

- умумкасбий ва ихтисослик фанларини соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш қонуниятлари ва тамойилларини;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича метод ва воситаларни қўлланилишини;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларини соҳа йўналишлари бўйича ўқитишда ахборот ва педагогик технологияларни ташкил этишни;
- мутахассислик фан ўқитувчисининг ўқув меъёрий ҳужжатлари ва методик ишлари, уларни режалаштиришни ташкил этиш ва тайёрлаш методикасини;
- умумкасбий ва ихтисослик масалаларини ечишда қўлланиладиган ахборот технологиялари ва амалий дастурларини;
- соҳа бўйича маълумотлар базалари ва замонавий компьютер дастурларини;
- замонавий мелиоратив техникалар ва уларга кўрсатиладиган сервис хизмат турлари, таркиби ва тартибини;
- тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари бўйича назарий билимларни;
- ўзининг касбий фаолиятида тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишни амалда қўллай билиши керак.

**Тингловчи:**

- интерфаол таълим технологияларига асосланган ўқув машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларини соҳа йўналишлари бўйича ўқитиш шакллари (маъруза, семинар, амалий, лаборатория, мустақил таълим, курс ишлари, битирув малакавий ишлари, ўқув амалиёти, малакавий ишлаб чиқариш амалиёти) ни ташкил этиш ва бошқариш;
- таълим олувчиларнинг биргаликда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш;
- интерфаол таълим технологияларини олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида компьютер дастурларидан самарали фойдалана олиш;
- ўқув жараёнида техник жиҳозлардан ва компьютер технологияларидан кенг фойдалана олиш;
- мелиоратив машиналарнинг конструктив хусусиятлари ва лизинг шароитида ишлатиш қоидаларига амал қилиш;
- тизимли таҳлилнинг услубияти, услуб ва воситаларидан фойдаланиб, унинг мезон ва босқичларига амал қилган ҳолда, мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ва ўз қарорини асослай олиш кўникмаларини эгаллаши.

**Тингловчи:**

- умумкасбий ва ихтисослик фанларни соҳа йўналишлари бўйича ўқитишнинг мультимедиа ва интерфаол таълим технологияларини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- умумкасбий ва ихтисослик фанларининг соҳа йўналишлари бўйича дидактик таъминотини ишлаб чиқиш, машғулот ишланмаларини тайёрлаш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- инновацион таълим технологияларини оқилона танлаб олиш;
- мутахассислик билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш
- мелиоратив машиналардан фойдаланишнинг йиллик иш дастурини тузиш, иш турлари бўйича тармоқли режалар ишлаб чиқиш;
- ахборот-таҳлилий ҳужжатларни баҳолаш, умумлаштириш асосида хулосалар бериш **малакаларини** эгаллаши.

#### **Тингловчи:**

- педагогик инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ва амалга ошириш;
- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш;
- инновацион таълим технологияларига асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва ижодий фаолиятга йўналтириш;
- мелиоратив техникаларни модернизациялаш усулларини таҳлил қилиш;
- мураккаб муаммоларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

### **«Сув ҳўжалиги ва мелиорация» йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим–тарбия масалалари**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

## **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

“Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни ва унинг мазмун-моҳияти. Ёшларнинг ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратиш беришда олий таълим муассасаларининг вазифалари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар. 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билиминини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари

битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, инфорацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқат услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

### **2.2. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар**

Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ўқув-меъёрий ҳужжатлар ва методик ишлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш методикаси. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда лаборатория, амалий машғулотлар ва ўқув амалиётини ташкил этиш методикаси. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда соҳа йўналишлари бўйича лойиҳавий таълим технологиясини қўллаш. Кейс-стади технологиясидан умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда фойдаланиш.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар ва замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион



технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқалар.

### **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқат муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойиҳалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажёрлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

#### **3.2. Умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитишда ахборот-коммуникация технологиялари**

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ахборот тизимларидан фойдаланиш. AutoCAD график муҳаррири. Excel дастури ёрдамида суғориш тармоқларига бериладиган сув миқдорини ҳисоблаш ва AutoCAD график муҳарриридан чизмаларни чизишда фойдаланиш. Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий ахборот тизимлари. Маълумотлар базаси тушунчаси. Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича маълумотлар базаларини яратиш ва улардан фойдаланиш. Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари.

### **IV. Амалий хорижий тил**

#### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари**

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқат муҳити, мулоқат клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларнинг роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқат компетенцияси (ўзбек

ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқат мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари**

Тизимли таҳлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли таҳлилдан педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузилиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилни амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари. Тизимли таҳлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

### **5.2. Сув хўжалигида тизимли таҳлил**

Сув хўжалиги ва мелиорация соҳасида тизимли таҳлил асосларидан фойдаланиш. Суғориш усуллари ва техникасидан фойдаланишда тизимли таҳлилни қўллаш. Пахта, боғ, узум ва полиз экинларини суғоришни лойиҳалаштиришда тизимли ёндашувнинг аҳамияти. Сув исрофгарчилигини аниқлашда тизимли таҳлилнинг афзалликлари. Суғориш майдонидаги йўл тармоқлари ва ҳимоя дарахтларининг қўлланиш сифатини ривожлантиришда тизимли таҳлил услубларидан фойдаланиш.

Ортиқча намиққан ерларнинг умумий ва хусусий сув мувозанат тенгламаларини аниқлашда қарор қабул қилишнинг усубияти. Ерларнинг шўрланишини аниқлаш ва унга қарши сув хўжалик, агромилиоратив, биологик ва гидротехник тадбирлар ўтказишда таҳлилнинг амалий услубларидан фойдаланиш. Сув исрофгарчилигини аниқлаш ва унга чек қўйишда тизимли таҳлилнинг ўрни. Ёпиқ зовурлар, қурама зовурлар, тик зовурлар, уларнинг тузилиши ва таркибий қисмлари, уларни қўллаш шароитлари ва режада жойлаштириш бўйича таҳлиллар олиб боришни ташкиллиштириш.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Ирригация ва мелиорация**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ- 3932-

сонли “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кўра қабул қилинган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури асосида олиб борилган ишлар натижаларини шарҳлаш. Мелиоратив ишларни олиб борилиши. “Узмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ҳамда давлат унитар корхоналарининг фаолияти.

2013 йилнинг 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2017 йиллар даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сонли қарори асосида кўрилган комплекс чора-тадбирлар натижалари.

Суғориш усулларини такомиллаштириш. Ер устидан суғориш ва унинг такомиллашган сув тежамкор турлари. Ер остидан суғориш технологиясини такомиллаштириш, афзалликлари ва камчиликлари.

Суғориш сувини суғориш даласида тақсимланиш асослари. Суғориш сувини йўқолишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари. Тупроқ донаторлигини сақлаш, тупроқни ботқоқланишига йўл қўймаслик, суғоришни тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштириш, суғоришда юқори иш унуми ва сифатига эришиш. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва мунтазам ҳосил олишга эришиш.

Суғоришда сувдан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш чоралари. Фермерлар хўжалиқларига сувни тақсимлашни режалаштириш. Суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш. Фермер хўжалиқларининг сув олиш кулоқларини сувни бошқариш ва ўлчаш иншоотлари билан жиҳозлаш.

Ер устидан суғориш ва унинг такомиллашган тежамкор турлари. Эгатлаб ва эгат оралатиб суғоришнинг сувни тежовчи усуллари. Кўчма полиэтилен новлардан ўқариқ ўрнида фойдаланиш. Эгатга плёнка тўшаб суғориш. Эгиловчан қувурлар ёрдамида суғориш. Сифонлаб суғориш. Автоматлаштирилган новлар билан суғориш.

Томчилатиб суғоришни такомиллаштириш йўллари. Томчилатиб суғориш тизимларининг ривожланиши. Томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланишнинг жаҳон миқёсида ривожланиши. Ўзбекистон шароитида томчилатиб суғориш тизимларини қўллашнинг ривожланиши. Томчилатиб суғориш тизимининг ўзига хосликлари ва уни деҳқончиликда қўллашнинг афзалликлари ва уларнинг технологик асослари. Томчилатиб суғоришнинг ўзига хос жиҳатларини ривожлантириш. Томчилатиб суғоришни қўллаш шароитларини илмий асослаш. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш.

Насос қурилмаси. Томчилатиб суғориш тизим қувурларининг ҳисоби. Фильтрловчи станция (қурилма). Ўғит эритмасини тайёрлаш ва сувга қўшиш мосламасини такомиллаштириш. Томчилатиб суғориш тизимининг суғориш шлангларини меъёрий асослари. Томчилатиб суғориш тизимининг томизгичлари. Томизгичли ленталар ва уларнинг технологик асослари.

Субирригация, қўллаш шартлари, афзалликлари ва уларнинг илмий асослари. Субирригация суғориш усуллари, уларнинг назарий асослари, афзаллик ва камчиликлари.

Пуркаб (туман ҳосил қилиб) суғориш, афзалликлари ва уларнинг технологик асослари. Янги суғориш усули ҳисобланиб бу усулда сув махсус туман ҳосил қилиш қурилмалари ёрдамида, сув туманига айлантирилиб суғориш майдонини ер усти ҳаво қатламига пуркалади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш. Тупроқларнинг батқоқланиши ва шўрланиши. Тупроқлар ботқоқланиши ва шўрланишининг табиий

ва суъний омиллари. Бирламчи ва иккиламчи шўрланиш. Ортиқча нам ва тузнинг ўсимликка таъсири. Шўрланиш хиллари ва турлари. Ерларнинг шўрланишига қарши мелиоратив тадбирлар. Ерларнинг шўрланишига қарши сув хўжалик, агро-мелиоратив, биологик ва гидротехник тадбирлар. Шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш тадбирлар мажмуасини такомиллаштириш.

Ерларни шўр ювишга тайёрлашдан аввал, суғориш тармоқларини ва айниқса, зовурларни ўсимлик ва лойқадан тозалаш. Шўр ювиш учун олинган поллар. Шўр ювишдан олдин ер майдонлари ҳайдаш.

Суғориш майдонидаги зовурлар. Зовур турини асослаш. Табиий ва суъний зовурлар. Гидротехник зовурлар тизимининг таркиби ва вазифаси. Ётиқ зовурлар, уларни режада жойлаштириш ва кўрсаткичлари ҳисоби. Қурама зовурлар ва уларнинг қўлланиш шароитлари. Тик зовурлар, тузилиши ва таркибий қисмлари.

### **6.2. Сув ресурсларини бошқариш**

Сув ресурсларини бошқариш. Сув ресурсларини бошқаришнинг зарурияти ва принципи. Сув ресурсларини бошқариш турлари. Сув ресурсларини миқдорини бошқариш зарурияти ва турлари. Сув ресурсларини сифатини бошқариш зарурияти ва турлари. Дунё миқёсида сув ресурсларини миқдорини ва сифатини бошқариш тажрибаси. Сув ресурсларини бошқариш соҳасидаги ислохатлар.

Сув ресурсларини миқдорини ва сифатини бошқариш тадбирларини амалга оширишни атроф-муҳитга таъсири ва оқибатлари. Сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш.

Дарё ҳавзасини ер усти, ер ости ва атмосфера ёғин сувлари ресурсларини ҳамда ҳавзани умумий ҳисобли турли, фойдаларда таъминланган сув ресурсларини ҳисоблаш. Дарё ҳавзасидаги сув хўжалик мажмуаси қатнашувчиларининг берилган ҳисоблаш даврлари бўйича сув истеъмол қилиш ва оқова сув чиқариш ҳажмларини ва режимларини ҳисоблаш. Сув хўжалиги балансини турли ҳисоблаш даврлари учун тузиш ва таҳлил қилиш.

Ҳавзада амалга оширилиши зарур бўлган сув ресурсларини миқдорини ва сифатини бошқариш тадбирлари мажмуасини асослаш. Гидрологик, метеорологик ва гидрогеологик кузатиш маълумотларини йиғиш, ҳавзани дарё сувлари, ер ости сувлари ва атмосфера ёғин сувлари ресурсларини ҳисоблаш. Ҳозирги ва келажак даврлар учун сув хўжалик балансларини (СХБ) тузиш ва таҳлил қилиш.

### **6.3. Мелиоратив техника**

Замонавий мелиоратив ва қурилиш машиналари. Уларнинг ишчи жиҳозларини, бошқариш ва юргизиш тизимларини тузилиши ва ишлаш принциплари. Замонавий мелиоратив машиналарни 1 соат-машина иши баҳосини Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари хусусиятларидан келиб чиқиб ҳисоблаш. Мелиоратив машиналар паркни янгилаш, машиналарни замон талабаларига мос ҳолда, меъёрий муддатларда алмаштириш ва модернизациялаш усуллари ва қоидалари. “Ўзмелиомашлизинг” тизимида қўлланилаётган янги мелиоратив машиналарнинг конструктив хусусиятлари ва лизинг шароитида ишлатиш қоидалари. Ирригация ва мелиорация ишларини механизациялашнинг оптимал вариантларини танлаш, замонвий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш. Мелиорация ва қурилиш машиналарини ва уларнинг ишчи органларини такомиллаштириш, унификациялаш. “Ўзмелиомашлизингсервис” шўъба корхонаси тизимида ташкил қилинган, давлат унитар корхоналарига ва бошқаларга лизинг шартномаси орқали берилган мелиоратив машиналарга кўрсатиладиган сервис хизмати турлари, таркиби ва тартиби. Мелиоратив тизимлар ва иншоотларда таъмирлаш-тиклаш ҳамда қурилиш

ишлари меъёрий ҳужжатлари. Мелиоратив машиналар паркидан фойдаланишнинг йиллик иш дастурини тузиш, иш турлари бўйича тармоқли режалар ишлаб чиқиш. Ирригация мелиорация ишларини бажариш пудрати тендер савдолари. Ўзmeliомашлизингсервис” шўъба корхонаси тизимида ташкил қилинган, давлат унитар корхоналарига ва бошқаларга лизинг шартномаси орқали берилган мелиоратив машиналарга кўрсатиладиган сервис хизмати турлари, таркиби ва тартиби.

## **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда, олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдамчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- умумийқасбий ва ихтисослик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи қасбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимида киритиб бориши лозим.

## **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001 й.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият». 2008 й.- 176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: “Ўзбекистон”.2011 й. - 440 б.
5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим -тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низоми 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 4732-сон Фармони.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003 й. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. – 218 б.
3. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, - Тошкент.: 2008 й.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011 й. – 182 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 й. – 180 б.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарибда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009 й. – 160 б.
9. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. -Т.: “Академия”, 2003 г. – 70 б.
10. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006 г. – 230 б.
11. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011 г. – 154 б.
12. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Дарслик. - Т. Шарқ, 2008 й. - 408 б.
13. Ҳамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Дарслик. Т.Шарқ – 2009 йил. 379 бет
14. Маматов С.А “Томчилатиб суғориш тизими”. Қўлланма. “Меҳридарё” - 2012 й. 80 б.
16. Норкулов У., Шералиев Ҳ. “Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси”. Дарслик. - Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003 й. - 204 б.
15. Ritzema H.P. DRAINAGE PRINCIPLES AND APPLICATIONS. Wageningen University 1125 стр. ISBN: Netherlands 2006
16. American Society of Civil Engineers. Management, Operation and Maintenance of Irrigation and Drainage Systems. Amer Society of Civil Engineers. USA, 1991
17. R. Quentin Grafton, Karen Hussey. Water Resources Planning and Management. Cambridge University Press. Cambridge, UK, 2011
18. Adrian Laycock. Irrigation Systems - Design, Planning and Construction. CABI. UK, 2011

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
- 2.Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- 3.Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
- 4.Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
- 5.Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
- 6.Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
- 7.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 8.[www.cottonginning.com](http://www.cottonginning.com)



9. www.ТИМИ.uz  
10. www.pedagog.uz

